

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ БИЗДАН КЎРА КУЧЛИ, БИЛИМЛИ, ДОНО ВА АЛБАТТА БАХТЛИ БЎЛИШЛАРИ ШАРТ!

И.Каримов



2016/01 №34

I.JODIY PAHVVOZ

O'zbekiston davlat san'at va madaniyat institutining ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy, axborot gazetasи



ҲУРМАТЛИ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР, ТАЛАБАЛАР, ИНСТИТУТИМИЗ ХОДИМЛАРИ!



Барчамизга маълумки, янги йилимиз мұхтарам Юргашимиз томонидан «Соғлом она ва бола йили» деб эълон қўлиниди. Бунинг замирида оналар ва болаларга бўлган гамхўрлик, меҳр-муҳабbat мужассам.

«Кексаларни эъзозлаш йили» номи билан тарихга кирган 2015 йил мамлакатимиз ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ҳаётida жиддий янгиланиш ва бунёдкорлик йили бўлди. Мазкур йилда юртимиз иқтисодиёти янада ривож топди, аҳолининг турмуш дарражаси ошиди, мамлакатнинг халқаро нуфузи кўтарилиди. Энг муҳими — кишиларда Ўзбекистоннинг эртаги кунинга бўлган ишонч мустаҳкамланди.

2015 йил институтимиз тарихида ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Таълим соҳасини такомиллаштириш борасида муайян ишлар амалга оширилди, талабаларнинг ўқишига бўлган қизиқишиларни оширишга эришилди, янги саҳна асарлари, бадиий фильмлар яратилди. Илмий-тадқиқот соҳасида эришилган муваффақиятлар ҳам сезиларли бўлди. Республика ва институт миёсида бир қатор илмий-назарий, илмий-амалий конференциялар ўтказилди.

Ўтган йил биз учун юлга киритган ютуқларимиз билан ҳам эсда қоларли бўлди. Ҳусусан, мустақиллигимизнинг йиғирма тўрт йиллиги арафасида Президентимиз профессор-ўқитувчиларидан Саодат Музаффарова «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатсан маданият ходими», Насрулло Қобилов «Меҳнат шуҳрати» ордени, Гулбахор Ахимбетова «Дўстлик» ордени, Рудакий Алланбаев «Шуҳрат» медали билан тақдирланди. Ҳайдарали

Қосимов «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими айлоғиси», ўкув театри актрисаси Юлдуз Ражабова «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони ва «Эътироф — 2015» танловида «Йилнинг энг яхши киноактрисаси» каби мукофотлар билан тақдирланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ўтказилган «Олий таълим муассасасининг энг яхши педагоги» Республика танловида институтимиз вакиллари: чолгу ижрочилиги кафедраси мудири, профессор Ўрозали Тошматов «Мутахассислиги бўйича энг яхши педагог» номинациясида, эстрада ва оммавий томошалар санъати кафедраси доценти Жаҳонгир Маматқосимов «Энг яхши педагог» номинацияси бўйича голиби деб топилди.

Илк бор «Юксак бадиий ва интеллектуал салоҳияти ёшлар тарбиясининг долзарб муаммолари» мавзусидаги илмий-назарий ва амалий конференция материаллари тўплам ҳолида нашр этилди. Ўқитувчиларимизнинг 7 та дарслар, 7 та монография, 7 та ўкув кўлланма, 15 та услубий кўлланма, 8 та илмий мақолалар тўплами, 400 га яқин илмий мақолалари юртимиз ва хориж матбуотлари чоп этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрга маҳсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагогик ва илмий кадрлар мадакасини оширишга қаратилган «Истеъод» жамғармаси томонидан «Йилнинг энг яхши дарслари — 2015» Республика танлови голибларини тақдирлаш маросими ўтказилди. Институтимиз педагогика ва психология кафедраси мудири, доцент Зебо Қосимова «Таълим технологиялари» дарслари учун совринли ўринга сазовор бўлди. Шунингдек, ўтган йилда талабаларимиз ҳам юксак марраларни забт этиб, устозлар ишончни оқладилар. Ёш авлодни маънавий баркамоллик сари ундан, Ватанга муҳаббат, эл-юрга садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилаётган «Йилнинг энг фаол ёш журналисти», «Она юрт оҳанглари», «Созлар навоси», «Барҳёт наволар», «Янги нигоҳ», «Умброқий наволар» каби Республика кўрик-танловларининг голибларига айландилар. Фольклор-этнографик жамоаларига раҳбарлик таълим йўналиши 1-курс талабаларидан Мухиддин Нуриддинов «Янги

нигоҳ» Республика танловида «Энг яхши баҳши» номинациясида голибликни кўлга киритди. Мафтuna Тўраева «Умброқий навлар» Республика кўрик-танловида чанқовус чолгу йўналишида иштирок этиб, энг юқори ўринга сазовор бўлди. Халқ ашула ва рақс ансамбларига раҳбарлик таълим йўналиши 1-курс талабаси Шоҳабbos Тўраев «Созлар навоси» Республика кўрик-танловида гижжак чолгуси йўналиши бўйича, 2-курс талабаси Одилхўжа Каюмхўжаев қашқар рубоби чолгуси ижроси йўналиши бўйича голибликни кўлга киритишиди.

Доцент Ойгул Аҳмедова Республика миёсида ўтказилган «Оқила аёль танловининг шаҳар босқичида 1-ўриннинг эгаллаб, Республика босқичида ҳам совринли ўринни кўлга киритди.

Жўрнавоз Кувондиқ Матёкубов «Умброқий навлар» Республика кўрик-танловида қатнашиб, фахрли 1-ўрин соҳибига айланди. Кино, телевидение ва радио режиссёrligi таълим йўналиши 4-курс талабаси Бобур Йўлдошев Қозогистон Республикаси Алматя шаҳрида ўтказилган «Бастау» халқаро талабалар ва киномактаблар фильmlari фестивалида маҳсус диплом билан тақдирланди. Саҳна ва экран санъати драматургияси таълим йўналиши 1-курс талабаси Соҳибжон Ҳотамов журналистика йўналиши бўйича Республика ёшлари ўртасида юксак марраларни забт этиди.

Бундан ташқари «Камолот» ЁИХ ва «Ўзбеккино» Миллий агентлиги ҳамкорлигига ўтказилган «PROlogue» — ёш кинонижодкорларнинг қисқа метражли фильмлари фестивалида кино, телевидение ва радио режиссёrligi таълим йўналишининг 3-курс талабалари Достон Ҳожиматов «Энг яхши сценарий», Ҳасан Алижонов «Энг яхши режиссёрлик иши», Машраб Аликулов «Томошабин эътирофи» номинацияларида голибликни кўлга киритишиди, Мафтuna Аллоқурова эса Ҳакамлар ҳайъатининг маҳсус дипломи билан тақдирлан-

ди. Бундай мисолларни яна истаганча давом эттириш мумкин.

Поёнига етган йилда институтимиз ҳудудида улкан яратувчанлик ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Олий ўкув юртимизнинг хўжалик ходимлари саъӣ-ҳаракатлари билан институтимиз кўркамлашди. Унинг ҳусн-таровати янада гўзаллашиб, талабаларимизнинг дам олишлари, саир қилишлари учун янада кенг шарт-шароитлар яратилди. Устоз-мураббайларимиз аҳил оиласа айланди. Жамоадаги маънавий мухит яхшиланди. Халқаро доирада учрашувлар ўтказилиб, етарли тажрибалар тўпланди. Мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда маънавий-маърифий тадбирлар ташкиллаштирилди.

2016 йил институт профессор-ўқитувчилари, талабалари, ходимлари олдида масъулиятли йил ҳисобланади. Биз учун ушбу йил юксак малақали маданият ва санъат вакилларини тайёрлашни янада токомиллаштириш, таълим-тарбия ишлари савиасини янада яхшилаш, илмий-тадқиқот ишлари самарадорлигини ошириш йили бўлади, дея умид қиласиз. Айниқса, талабалар маънавий оламини шакллантириш, уларнинг ижтимоий фаоллигини, сиёсий маданиятини юқсалтириш устувор вазифа сифатида кун тартиби турishi лозим.

Институтимиз профессор-ўқитувчилари, талабалар ва ходимларини Юргашимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асаридаги ушбу сўзларини кельтирган ҳолда «... ҳар куни, ҳар соатда фидойи бўлиши, ўзини томчи ва томчи, заррома-зарра буюк мақсадлар сари чарчамай, толиқмай тинимсиз сафарбар этиб бориш, бу фазилатни доимий, кундалик фаолият мезонига айлантириши»ларини ҳар бирингиздан истаб қоламан.

Ҳурматли профессор-ўқитувчилар, талабалар, ходимлар!

Сизларни янги 2016 йил «Соғлом она ва бола йили» билан табриклаб, барчанлизга сиҳат-саломатлик, баҳт ва омад тилайман. Ўкув-тарбиявий, ижодий, илмий-тадқиқот ва маънавий-маърифий соҳадаги фаолиятингиз самарали бўлсин, хонадонларингиздан файзу барака аримасин.

Янги йилингиз кутлуг бўлсин!

Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ
Институт ректори, профессор

ҚУЁШИ ЧАРОҒОН ОСМОНЛАР



МУҲАББАТ. Бешиклар... Бешикларнга кўз тегмасин, ўзбегим! Тинчлик, хузурбахш, фаровон замонда онасининг кўкрагига тамшанаётган кўзлали мунҷоқ-мунҷоқ болажонлар ўлкаси бу. Ўғилчасини осмонларга отиб, қиқири-қиқири кулганида юзчаларидан эркалатиб ўпадиган оталар ўлкаси бу. Кундан-кун фарзанди баҳту иқболидан севинадиган баҳти бутун оналар ўлкаси бу. Тилларида шукrona, дилларида шукrona, хонадонлари тўла файзу барака. Оналар ва болаларга меҳри юртбу, муҳаббатли юртбу.

МУКОФОТ. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2000 йил саммитида қабул қилинган Мингийиллик ривожланиш декларациясида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш устувор ва асосий йўналишлардан бири сифатида белгилантан эди. Глобал лойиҳа асосида Ўзбекистон 2015 йилга келиб оналар

ва болалар ўлимини 1990 йилги кўрсатичига нисбатан тўртдан уч қисмга камайтиришиň ўз олдига мақсад қилиб қўйганди. Ўтган вақт мобайнида оналик ва болалик муҳофазаси бўйича давлат дастурининг тизимили амалга оширилиши натижасида оналар ва болалар ўлими уч боробардан зиёд камайди. Аёллар ўртасида ўртача умр кўриш кўрсаткичлари 75 ёшга кўтарилди. Улгаётган фарзандларимизнинг 92 фоизи ривожланиш кўрсаткичлари бўйича Жаҳон соглиқни сақлаш ташкилоти стандартларига мос келишини соҳа ривожи йўлида белгилантан аниқ чора-тадбирларнинг рўёби сифатида эътироф этиш мумкин.

САДОҚАТ. Буюк аллома Абу Райхон Беруний ўзининг «Хиндистон» асарида ҳар бир халқнинг азалий ва боқий қадриятлари ҳақида фикр юритади. Оналик ва болаликка эҳтиром кўрсатиш бизнинг хайрли анъаналаримиз-

дан. Буни янги йилимизнинг «Соғлом она ва бола йили» деб номланиши мисолида ҳам кўриш мумкин. Бунинг замерида «Она ва бола соғлом бўлса, оила баҳтли, оила баҳтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади» деган эзгу гоя мужассам.

Президентимиз Ислом Каримовнинг «Она юртимиз баҳту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир» номли китобининг «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта баҳтли бўлишлари шарт» номли бўлимида улкан маъно-мазмунни ифодаловчи шундай ибора келтирилган: «Янги авлодни тарбиялаш — халқни тарбиялаш деганидидир». Мана шу биргина фикр сизу бизни соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, соғлом авлодни тарбиялаш орқали соғлом жамиятни барпо этиш, аввало, ўз оиласларимизда тиббий

маданиятни юксалтириш билан юртимизда амалга оширилаётган тиббий ислоҳотларга даҳлдорлик туйгуси билан ёндашиш, Ўзбекистоннинг буюк келажагини куриш борасида юксак масъулиятни ҳис қилишимизга ундаиди.

Юртимиз болаларини осмонимизга ўҳшатгим келади: беғубор ва мусаффо. Оналарини эса қўёшга. Ростдан ҳам ўҳшайди булар. Бугун улар эъзозда, улар муруватда. Мақсад эса ягона: ҳар оила соғлом фарзандларнинг қиқири-қиқири кулгиларига тўлсан, баҳтиёр оналарнинг қувончлари бардавом бўлсин!

Соҳибжон ҲОТАМОВ
Саҳна ва экран санъати драматургияси таълим йўналиши 1-курс талабаси, «Йилнинг энг фаол ёш журналисти»

14 январ – Ватан ҳимоячилари куни



МАРДЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ

*Ватан кафта тутар сизу бизларни,
Ал қомат ўғлону ёзал қизларни,
Асрар еру само қора кўзларни,
Сизлар бизга қалқон шоҳиддир фалак,
Ватан пособнлари айём муборак!*

Мамлакатимизда ҳар йили кенг нишонланадиган «14 январ – Ватан ҳимоячилари куни» байрами замерида Ватанга чексиз муҳаббат, она диёrimизни севиш, ардоқлаш, ватанпарвар бўлиш, қаҳрамонлик ва жасорат кўрсатиш каби юксак тушунчалар мужассам.

Ватан ҳимоячилари куни байрамининг моҳияти ҳақида сўз юритадиган бўлсак, бу байрам нафақат ҳарбий хизматчилар, балки Ватан олдида ўз муқаддас бурчларини ўтаган, ҳарбий хизматдан қайтган ҳар бир ватандошимиз, шунингдек, ҳали келажакда Қуроли Кучлар сафида хизмат қилиши лозим бўлган ёш авлод вакилларининг ҳам байрами эканлигини тъкидлаб ўтишимиз лозим.

Она юртимиз ҳар доим ўзининг мард, жасур йигитлари билан фаҳрланиб келган. Йигитларимиз ота-она ва оиласини, ўзи яшаётган юрт тупрогини муқаддас билиб, Ватан ҳимояси учун доимо шай туришни бурч деб ҳисоблаган. Ушбу байрамнинг нишонланиши ҳалқимизнинг ўз армиясига нисбатан чексиз ҳурмати, мард ўғлонларига нисбатан ифтихорини билдиради. Ватанни ҳимоя қилиш ҳар биримиз учун олий ва шарафли бурчdir.

Зулхумор АКБАРОВА
Саҳна ва экран санъати драматургияси таълим йўналиши 4-курс талабаси

топган. 1975 йилда Тошкент Давлат консерваторияси хор дирижёрги факультетини тутагтган. 1975-1977 йилларда Нукус мусиқа билим юрти ўқитувчиси, Бердақ номидаги давлат филармонияси симфоник оркестри дирижёри, 1981-1987 йиллари Бердақ номидаги мусиқали театр бош хормейстри ва бош дирижёри, 1989-1991, 1992-2005 йилларда Қорақалпогистон Бастакорлар уюшмаси раиси лавозимларида ишлаб.

Асарлари («Бегжон фожиаси») симфоник поэмаси, 2 та концерт пьеса, хореографик манзаралар, Наврӯз байрам увертиюраси, «Бозатав» симфоник поэмаси, «Посқан эл» араторияси, «Ҳесирет ҳеури» кантатаси, хор а капелла учун асарлари, 200 дан ортиқ қўшиқ ва хор асарлари «Ҳаяллар патшалиғи» («Аҳмак патша») О.Халимов



Мен баҳтиман. Баҳтимнинг қиёси йўқ, Нокамтарликка йўймассиз. Ўтган йил бўлиб ўтган ёш ижрочилар кўрик-танловида голиб бўлдим. Бу мамлакатимизда мен каби ёш истеъодларга яратиб бериладиган имкониятларнинг яққол нишонаси.

Талаба бўлдим. Талабалик баҳтим сарҳадларини кенгайтирди. Институтга келган кунимданоқ тафти қайноқ меҳни ҳис қилдим. Ўтган йил мен учун унтутилмас хотираларга бой бўлди. Дўстлар ортигидим. Улар менинг бир умрлик қадронимга айланди.

Ҳаётимдаги 2015 йилнинг энг ёдда қоларни воқеасини сиз билан ўртоқлашмоқчиман.

Қишининг илк ойи. Йўлда кетаётсан, телефонга кўзим тушиб қолди. Энг сўнгти русум. Вой, даҳнат! Телефонни шошилиб олдим-да, кетаётган манзилни қолдириб орта қайтдим.

Билан ҳамкорликда «Гарип ашиқ», «Адалатқа қиянет» мусиқали драмалари, «Шарёр», «Ақ текеш ҳам кок текеш» кўғирчоқ спектаклларига, «Аш қасқир» эртакларига мусиқа ёзган ва келажакда буюк санъаткор бўлиб улгайишида ўзи яратган қалбларни ларзага солувчи, оҳанрабодек ўзига ром эттубчи мусиқалар жуда ҳам зарурлигини яхши тушунган.

«Қирқ қиз» балети ҳамда «Тўмарис операси» асарларининг саҳнада яна ҳам мукаммал чиқишида устознинг хизматлари беқиёс.

Устоз ҳамиша изланиш ва интилишда. Бу биз ёш авлод учун ҳақиқий ибрат кўзгусидир.

Замира УНУСОВА
ЎзДСМИ Нукус филиали Эстрада актёrlиги таълим йўналиши 3-курс талабаси



Айттолмадим ортиқ битта сўз,
Қол дейшига бермадинг имкон.
Бир юмилиб очилгунча кўз,
Янги йилинг кетдинг қай томон??

Кексаларни эъзозланг дединг,
Дуосини олдим, минг шукр!
Эзизагингга қолдириб кетдинг,
Яна қанча юмуш, ўй-фикр.

Соғлом она ва бола учун,
Халқим доим бўлган жонсарак.
Саодатга йўл олган юртим,
Янги йилинг бўлсин муборак!

Сайдабор УМАРОВ
Ўқув шилари инспектори



Британия кенгаши ва Роуз Бруфорд колледжи ҳамкорлигидага Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтига 12-17 декабрь кунлари Англия Уйғониш даври намояндаси, буюк инглиз драматурги Вильям Шекспир асарлари бўйича семинар машгулотлар ва мастер-класслар ташкил этилди.

Машгулотлар Шекспир ижоди бўйича малакали мутахассислар актёрлик маҳорати фани ўқитувчиши, режиссёр Ирина Браун, актёрлик маҳорати ва нутқ устида ишлаш бўйича тренер Жон Такер, пластика бўйича режиссёр Ниам Доулинглар томонидан олиб борилди. Мазкур

маҳорат дарсларига институтдан 30 та талаба ва 15 нафар ўқитувчи иштирокчи сифатида жалб этилди.

Дарслар давомида талабаларга Шекспир сонетлари ва драматик асарлари ҳақида маълумотлар берилб борилди. Хусусан, Жон Такер олиб борган машгулотларда талабалар тана ҳаракати, нафас, овоз, нутқ устида ишлар экан, машгулот бевосита Шекспирнинг 1, 15, 29, 56, 128, 129, 147, 154 сонетлари ёрдамида амалга оширилди. Ушиб машгулотлар давомида талабалар сонетларни таҳлил қилиб, уларнинг маъно-мазмунини чуқур тушуниб етган ҳолда, тингловчига етказишининг ўзига хос мөъёларини кашф этилди. Ирина Браун билан эса ҳар бир талаба ўзи танлаган сонети ва монологлари устида ишлади. Ирина Браун машгулотлари Шекспир ижодининг серқирра тарафларини очиши билан бир қаторда талабаларда сўзга бўлган ўтиборин янада ошишига хизмат қилди. Шекспир асарларида ги «сўз» руҳиятини англашга тўғри ёндашув кўрсатилди, унинг монологларини ижро этишининг сирлари, бу драматург асарларидағи монологларнинг бошқа драматурглар асарларидан фарқи, масалан, Шекспир ҳаҳрамони монолог ижро этганда ҳеч қачон ёлғиз эмас, балки томошабин билан ишлами амалий тарзда етказилди. Сўз ифода воситаси бўлиб, Шекспир асарларида у актёрнинг ҳақиқий қуролига айланниши кераклиги таъкидланди.

17 декабря дастурнинг яқун-ловчи қисми ташкил этилди. Унда иштирокчилар 6 кун давомида эришган натижалари билан ўртоқлашдилар. Талабалар шу кунлар давомида кўлга киришган билимларини сонетлар ва монологлар ижроси билан намойиш этилди.

Дастур ташкилотчилари, янни Британия кенгаши, Роуз Бруфорд колледжи ҳамда Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти ва энг муҳими, машгулотларни олиб борган ўқитувчиликлар ўз ишларига масъулият билан ёндашди ва қеракли натижаларга ёришилди.

Сайрам СОБИРОВА
Кино, телевидение ва радио
режиссёrlиги таълим йўналиши
3-курс талабаси,
матбуот бўлими аъзоси



Дарс бошланди. Хонага ўкув ишлари бўйича проректор ва бир қиз ташриф буюрди. Ҳамматик турибди, ҳеч ким ўриндиқقا чўкмаган. Масъул ходим ёнида турган етакчига ишора қилиб:

— Ёнимдаги қиз «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошлигич ташкилот етакчиси. Танийисизлар-а? — деди.

Кайфиятим зўр. Шўхлигим тутиб кетди.

— Отни қашқасидай, — шу пайт томогим қуруқлашиб, нафасим қайтиб кетди ва сўзим давомсиз қолди. Узук-юлуқ сўзим етакчи қулогига етиб борди ва чақмоқда нигоҳини менга санчди. Юзидаги табас-

сум ерга тўкилиб, парча-парча бўлиб кетди. «Холингта маймунлар йиғлайди ҳали» дегандай ўқрайиб: — Исмингиз нима? — деди етакчи.

— Незматов Шоҳруҳ — дедим, юзимни қизигашга бўяб. Исмимни ёзib олди.

Мақол ўз ҳақлигини исботлади. У қизни «отни қашқаси» дай танимасам ҳам, у қиз энди мени «отни қашқаси» дай таниб олди.

Дарслар тугаб, курсдошлар тарқалишиди. Мен ётоқхонада курсдошим билан «икки оғиз» сухбат қуриб, ташқариладим. Кун ағанаб тушиб, аллақачон қоронгулик ўйнаб юрибди. Уйга шошилдим. Ёнимдан ўтаётган

маҳал танибман, етакчи қиз!

— Кечирасиз, сизни мумкинми? — дедим.

— Хўш? — «яна сенми?» дегандай назар солди.

— Мендан хафамасмисиз?

— Хафаман, — дея чарос кўзларини олиб қочишига уринди.

— Мен эрталаб «отни қашқаси» сидай танимасак ҳам, ҳар ҳолда танийимиз» демоқчи эдим.

— Ўзингизча ўҳшатиш қилдингиз-да?

— Энди, тилим шунақароқ, озгина дагал, этов кўрмаган-да.

— Адабиётларни кўпроқ ўқиш қерак. Айниқса сиз. Чунки драматургисиз. Шунду ўҳшатишни озрок ўрганармидингиз? — деди-ю, кўздан узоқлашди.

Ҳаракатларидан жуда қаттиқ хафа бўлганилиги равшанлик касб этиб турарди. Менини тутди. «Вой аразчи-ей, баттар бўл. Кечирим сўрамоқчи эдим, энди тушингда кўр мендан узрни».

Бир ҳафтадан сўнг. Эълонлар таҳтасида янгилик: институт талабалари шеъларини китоб қилиш ҳақида. Эълон бўйича бир даста шеъримни кўтариб, матбуот бўлимига бордим. Шундай жавоб олдим: «Бизга эмас, китоб чиқариш учун масъул ходим Умидга Раҳмоновага топширасиз». Манзилни нишонладим, етдим. Эшикни очиб кирсан, бир қиз тескари туриб қозо титкиламоқда.

— Салом, мумкинми? — дедим, менга қараган қизга қараб, устундай серрайиб қолдим. «Сиз ўшаму?! Эҳ каллаварам, кечирим сўрамагандинг, энди тамомсан. «Пир» учдинг, бир учдинг, тутилдинг». Шу хаёллар остидан етакчининг «келинг» деган садоси мени тортиб олди.

— Мен... шеър-пер.. — дея қаловландим. Кўлимдаги шеър-

ларни олди ва иш столининг юзига холдай кўндириди.

«Китобда шеъларинг босилиб чиқишидан умидингни уз, маҳмадона, аҳмоқ бола. Энди у аламидан чиқади. Ўзинг пиширган ош». Шу олқишилар билан ўзимни бўктиридим.

Орадан бир ой ўтди. Ёши шеърлар тўплами кўлларда жонланди. Хоҳламайроқ варакладим. Шеъларим чиқиби! Ҳаллослаб етакчининг хонасига кирдим. — Хоҳласангиз шеъларимни чиқармаслигингиз ҳам мумкин эди-ку?

— Кечиримли бўлиш ҳаммазига ярашади, — деганча жилмайиб турарди. Худди тушларим да юзимни силаган фаришталар каби.

Шоҳруҳ НЕЙМАТОВ
Саҳна ва экран салабати
драматургияси
таълим йўналиши
3-курс талабаси



2015 йил 2 сентябрь 1-курс магистрлари ўқиши бошлади. Бироқ ҳали кимнинг қайси чўққини эгаллаши-ю, қандай им «сайёраси»ни кашф этиши номатъум. Олдинда икки йиллик синов муддати. Бу асли мутахассислик бўйича ични кемириб, ҳар вақт тинчлик бермаятган муммали масалаларни илмий асослаб, янги таклиф ва мулоҳазаларни амалиётта татбик этиш, ҳар бир магистрантнинг танлаган йўналиши бўйича ўз сўзини айти олиш имконияти, кўлдан нималар келишини аниқлаб олиш ўйлидаги имтиҳон.

Шу боис магистратурада ўқиши ҳар кимнинг ҳаётий мақсади билан боғлиқ. Агарда тала-ба интилишлари ва изланишла-

рини илмий жиҳатдан мустаҳкамлашга эҳтиёж сезаётган бўлса ва кейинчалик кадрлар тайёрлаш жаённада фаол иштирок этиш истагини билдира, магистратурда таҳсил олици мақсадга мувофиқ. Бироқ қобилияти ўқишидан кўра амалий ишларда кўпроқ юзага чиқадиган ва тажриба давомида ижобийроқ самара берадиган бўлса, икки йиллик умрни зое кетказмаган маъқуб. Хусусан, ўз соҳасида катта ютуқчарни кўлга кириштан шундай замондошларимиз борки, улар ҳатто олий маълумотга ҳам эга эмас. Масалан, сув ости салтана-ти «қироли»га айланган Жак-Ив Кусто, «Microsoft» асосчиси Билл Гейтс, «Apple» компанияси раҳбари Стив Джобс, «Титаник», «Аватар» каби энг машҳур ва кассабоп фильмлар режиссёри Джеймс Кэмерон ана шундай «ўқимишсиз» кишилардан, яъни улар «диплом ишқи»дан кўра касбий муҳаббатни афзал билишган.

Инсоннинг севган иши билан машғул бўлиши ва ўз имкониятларини тўғри баҳолай олиши ўта мұхим масала. Магистр дипломига эга бўлиш ёки бўлмаслик шу нуқтаи назардан хал этилса, албатта, ижобий натижага бериши аниқ.

Азиз МАТЕҚУБОВ
Санъат назарияси ва тарихи
таълим йўналиши
1-курс магистранти

Чиҳумбашарий МУАММО

Ҳар йили дунё бўйича таҳминан 2 миллион 800 минг киши мудҳиши жиноятнинг қурбонига айланмоқда. Жабрдийдаларнинг қарийб 80 фоизини аёллар ва болалар ташкил этади. Англаганингиздек, бутун одам савдоси кундан-кун дунё аҳолисини ўз домига тортмоқда.

Одам савдоси кескинлашувининг олдини олиш, унга қарши курашиши мақсадидаги мамлакати-мизда кент кўллами ишлар амалга оширилмоқда. Республика миздининг инсон хукуқлари бўйича 60 дан ортиқ ҳалқаро хужжатларга кўшилгани, БМТ томонидан мазкур соҳада қабул қилинган 6 та асосий ҳалқаро шартнома иштирокчисига айланганни сўзимизга яққол ишбот бўла олади.

Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиши түгрисида»ги қонуни, Президент

тимизнинг 2008 йил 8 июлдаги «Одам савдосига қарши курашиши самарадорлигини ошириш чорадабирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар соҳа юзасидан келиб чиқаётган муаммоларни бартараф этишда ўз са-марасини бермоқда.

Институтимизда Одам ва ўрга маҳсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда «Одам савдоси — умумбашар муаммоси» номли эркин мулоқот тарзида учрашув бўлиб ўтди. Унда Одам ва ўрга маҳсус таълим вазирлиги мальнивий-ахлоқий тарбия бошқармаси бошлиги Музаффар Комилов, Маънавият тарбият маркази раҳбари ўринbosari, юридик фанлари доктори, профессор Гулчехра Маткаримова, Тошкент ИИБ бошқармаси хорижга чиқиши-келиши ва фуқароликни расмийлаш-

тириш бошқармаси катта инспектори, катта лейтенант Муроджон Розиқов, талаба-устозлар, кенг жамоатчилик вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этилди.

Тадбирда одам савдоси билан боғлиқ хужжатли фильмлар на-мойиш этилди, янги қарорлар ва уларнинг ижроси юзасидан бажарилган ишлар ҳақида маълумотлар берилди.

Тадбир давомида йигилганларнинг қонуний меҳнат миграцияси ва ноқонуний одамфурӯшиликни бир-бираидан фарқлашга доир билим-қўнімларни янада бойиди.

Чарос КЕНЖАЕВА
Театрушнослик таълим йўналиши 2-курс талабаси,
матбуот бўлими аъзоси



Касбимиз тақозосига кўра радиода кўплаб ижод вакиллари билан сұхбатда бўлишга тўғри келади. Улар эфир орқали кўплаб тингловчиларга айтиб берган қизиқарли ҳангомаларни сизга ҳам илиниши жоиз деб топдим.

Кунлардан бир кун Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарофиддинов Ўзбекистон Миллӣ университетида тала-

баларга сабоқ берәтиб, Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонини кўйидагича изоҳдаган эканлар: Ширин Фарҳодга «Агар мени севсанг тогу тошлардан обижёт сувини келтиришинг керак», дейди. Орадан анча вақт ўтиб Ширин ўз канизаклари билан тогу тошга қараб йўлга чиқётса, ариқлардан зилол сув шарқираб оқаётганига кўзи тушади ва беихтиёр «ничего себе Фарҳод» деб



Қани, айтинг-чи, ер куррасининг яна қайси нуқтасида юртимиздагидек ёшларга имкон яратиб берган юрт бор? Буларнинг натижасида ҳар тонгимиз улкан зафарларни қарши олиш билан бошланади.

«Соглом она ва бола йили» кутилганидан кўра янги-янги зафарлар тантанаси билан бошланди.

Ўзбекистон Миллӣ тикланиш демократик партияси «Ёшлар қаноти» клуби қошида ташкил этилган «Ёш сиёсий билимдонлар» клублари ўргасида «Ўзбекистондаги иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий жараёнлар ёшлар нигоҳида» номли интеллектуал кўрик-танловининг якуний босқичида институтимиз талabalari «Пойтахт» жамоаси сифатида иштирок этишиди. Кино, телевидение ва ра-

дио санъати факультети талabalari Ўрковиа Дурдона, Абдувоҳидова Зарнигор, Вафоева Юлдуз, Болтаев Мансур, Ёкубов Отабек ҳамда театр санъати факультети талabalari Зайнисев Ўлмас, Маъруфов Шаҳзод ва Мустафоқулов Ўткирлар танловда намунали қатнашиб, фахрли 2-ўринни эгаллашди.

Институтимиз талabalarining сиёсий жараёнлар ва ислоҳотларга бефарқ эмасликлари, юртимиздаги янгиланишларнинг доимий кузатувчиси ва албатта иштирокчиси эканларни бизнинг фахримиздир.

Кўриб турганингиздай, йил боши ютуқлар билан бошланди. Бу занжирни улаб кетиш сизга боғлиқ, тенгдошим!

Моҳисадаф УБАЙДУЛЛАЕВА
Саҳна ва экран санъати
драматургияси таълим ўйналиши
4-курс талабаси

пул тўлаймизу, дарс бўлмас экан дейишиша курсанд бўламиш?

— Нега биз ўқиймиз деймизу, ўқитувчи уйга вазифани сўрмаса кувончимизнинг чегараси ўйқ?

— Нега қаттиққўл ўқитувчиларни ёмон кўрамиз? Улар эмасми аслида биз ҳақимизда кўпроқ қайтурадиганлар!?

— Нега бир фанда бошқа фандан дарс қиласми? Парта тагида турган мобиль телефонни ўчириб қўйиш шунчалик қийинми?!

— Нега бутун семестр давомида ўзимиз ҳаракат қиласми, сессия пайти қийналсан, ўчиш қийин, ўқитувчilar эса бешафқат деймиз?

Аслида мана шу саволларни кўп давом эттира бўлади, тўғрими? Балки буни талabalikning шўхлиги ёки эркалиги леб оқлаш ҳам мумкин. Лекин биз бор йўғи тўрт йилгина ўқиймиз. Мана шу даврда астойдил таълим-тарбия олиш бутун умрага татиши мумкин. Кейин хоҳласак ҳам ҳеч ким биздан уй вазифасини сўрамайди...

Биз ёлғончиликни кўйимас эканмиз, эртага кераксиз ходиму, билимиз мутахассис бўлишдан бошқасига ярамай қоламиз.

Сироғиоддин РУСТАМ
Саҳна ва экран санъати драматургияси
таълим ўйналиши 3-курс талабаси

юборган экан, дея устоз адиб зериқаётган талabalарни қулдириб юборган экан.


Ўзбекистон халқ артисти, «Дугорчи қизлар» ансамбли раҳбари Фанижон Тошматов ҳаммадан эрта ишга келиб созини созлаб ўтира, эшни очилиб ансамблинг иштироқчиларидан бири Санобар Каримова аста мўралайди. Биринчилардан ўзи келганига хижолат бўлиб «Уста, қизлар келишмадими?» — деб сўраса, асқия, пайровга чечан Фанижон ака: «Энг келишгани сиз», деб жавоб берган эканлар.

Кунлардан бир кун устазода Абулқосим Тўйчиев мақом ансамбли хонасида устоз Юнус Ражабий олдида анча вақт ўтириб унга ҳам отаси, яъни Мулла Тўйчи ҳофизнинг кўшиклиаридан бирортасини ижро килишга рухсат тегармикан, деган умидда бўлади. Лекин ҳар кичка вақт ўтса ҳам бошқа кўплаб ҳофизларга кўшиқлар тақсимоти давом этаверади. Абулқосим акага эса Юнус ота-



нинг ўтиборидан дарак йўқ. Энди эшикка йўналган устазодага кўзи тушган Юнус Ражабий: «Эй Абулқосим, қани, ёнимга келинг-чи, шу отангизни тилла ҳалқали кўзойнаклари бўларди, ўша қаерда экан?» Кўшиқ эмас, кўзойнак ҳақида гап кетаётганини англаган асқиячи Абулқосим Тўйчиев «Эй уста, у кўзойнакни отам у ёққа тақиб кетганлар» деб ҳам ҳазил, ҳам киноя билан жавоб берган экан.

Баҳодир МАГДИЕВ
Саҳна пунтиқи кафедраси ўқитувчи



Шеърият — кўнгил туйгуларининг акси. Орзулар ва армонлар, шодлигу қайгулар музассам унда. Биррида Кўқону Бувайда бунёдкорлиги, биррида эса Сурхону Бойисун таровати қўйланади. Биррида соғинч, биррида муҳаббат ҳарорати бор. Саҳна ва экран санъати драматургияси таълим ўйналиши 1-курс талabalari «Шеърият бўстони» саҳифасининг меҳмони.



ЭРТАК
Зебо ХУДОЙБЕРДИЕВА

Анавилар кулишиб
Чиқарса ҳам тентакка,
Биз ишониб яшаймиз
Ўзимизнинг эртакка.

Уйланиб тўй қилишар,
Болалари — бақалоқ.
Юрагим, сен бағримда
Энг мусаффо чақалоқ!

Кел, юрагим, ўзимиз
Билган куйни чаламиз.
Ҳамма кетсин, майлига,
Биз ёшликда қоламиз.

Улар алдаб бир-бирин
Сирин олиб сотарлар.
Секин машлаб кўз қирип,
Айбин пойлаб ётарлар.

Яшаймиз баҳт шаҳрида,
Баҳт куйни чаламиз.
Камта бўлмаймиз, хўпми?
Биз ёшликда қоламиз.



ЁЛГОН
Абдурауф ЗОКИР

Танимасдим, билмасдим сени,
Унда мендан ғамлар эди ёт.
Сен томонга чорлади мени,
Бугун келиб ажиб ҳиссиёт.

Ортда қолди ҳаловат бари,
Ортигандан зор юриб толдим.
Сени ўхиши таниган сари,
Мен ўзимни танимай қолдим.




БОЛАЛИК
Ислом ИБОДУЛЛА

Сен баҳорда полапон очиб,
Кузга яқин уиб кетган күш.
Қаерларга етолдинг мажрух,
Қаерларга йиқилдинг бехуш?

Қанотингдан сачратиб чақин,
Бўронларга бора олдинг тик.
Ўтган баҳор — ўтиб кетган дард,
Ўтган баҳор биз бирга эдик.

Болалик!
Учқаноқ қүш, қочқоқ қүш,
Сендан ортиб нени суйибман.
Ўтган баҳор сен қурган инни,
Музейимда сақлаб қўйибман.



Муассис

Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти

Бош муҳаррир:
Эркин ХУДОЙБЕРДИЕВ

Таҳрир ҳаъти:
Гўзал ХОЛИҚУЛОВА
Хамзам ИСМОИЛОВ
Зулхумор НОРҚЎЗИЕВА
Умида ҲАСАНОВА
Шоҳруҳ АБДУРАСУЛОВ
Рашид УСНАТОВ
Саҳифаловчи-дизайнер:
Умида ҲАСАНОВА

Таҳририят манзили: 100025 Тошкент шаҳри М.Улугбек тумани, Ялонгоч мавзеси, 127 А уй
Тел: +99890 349 71 72;
+99871 230 28 13
www.dsni.uz; dsni_info@olam.uz

Газета институтнинг таҳририят ва нашриёт бўлимида тайёрланди. Ўлчами — А2, ҳажми — 1 босма табоқ Нусхаси — 2000 дона. Баҳоси келишилган нарҳда. Чоп этишга 08.01.2016 да топширилди.

Газета ҳар ойнинг охирги ҳафтасида «NISO POLIGRAF» МЧЖ босмахонасида чоп этилади.
Манзил: Ўрта Чирчик тумани, Оқ ота КФЙ. Маштаб махалласи, Марказ — 1.

Газета Тошкент шаҳар Matbuat ва аҳборот босқармасида № 02-00166 рақами билан 2012 йил 19 декабрда рўйхатта олинган.